Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 28 (9524). ● 1989 йил 9 февраль ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

Ҳақли эътирозлар, ўринли мулоҳазалар

СУВГА ЗОРМИЗ, ТАШНАМИЗ

Ҳурматли редакция!

БИЗ БЕКОБОД районидаги «Авангард» совхозининг 4-бўлими Охунбобоев номли қишлоғида яшаймиз. Бу ерда 1700 дан ортиқ киши истиқомат қилади. Мана, қайта қуриш бошланганига уч йилдан ошди. Ҳукуматимиз инсонлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни энг биринчи вазифа қилиб қўяётганидан хурсандмиз. Бусиз қайта қуриш бўлмайди, деб айтиляпти.

Афсуски, хўжалигимиз раҳбарлари бу оддий ҳақиқатни тушунгилари келмаяпти. Совхоз ишчилари турмуш кечириши учун зарур бўлган энг оддий қулайликлар ҳам яратиб берилмаяпти.

Рўзғорнинг, тирикчиликнинг асоси сув! Биз эса сувга зормиз, ташнамиз. Қишлоғимизга водопровод ҳам келмаган, ариқ суви ҳам оқиб ўтмайди. Шу туфайли эҳтиёж учун зарур сувни эшакда ёки арава билан узоқдан ташиб келишга мажбурмиз. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлари қизғин бўладиган ёз ва куз ойларида жуда қийналамиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Эрта тонгдан то қош қорайгунча далада, пахтада ишлаб хорибчарчаб келсангу ювиниш у ёқда турсин, ичиш учун ҳам сув бўлмаса! Алам қилмайдими кишига. Шу ҳам турмуш бўлдими?!

Бунинг устига дурустроқ ҳордиқ чиқариш имкониятига ҳам эга эмасмиз. Бизда маданий ишлар ҳам ўлда-жўлда. Клуб қачон қараманг ҳувиллаб ётади. Қандай қилиб ҳам гавжум бўлсин. Бу ерда турли хил кечалар, ҳаваскорлик тўгараклари машғулотларини ўтказиш, концертлар уюштириш учун шарт-шароит йўқ даражада.

Хўжалигимизда музикага, санъатга қизиқувчи ёшлар талайгина. Хўш, улар билан ким шуғулланади, ким уларни бошини қовуштиради, ким уларнинг талантлари, орзуларини рўёбга чиқаради.

Ҳайронмиз, хўжалик раҳбарлари наҳотки шунчалик лоқайд ва бепарво бўлишмаса?!

Қишлоғимизда ҳаммом қурилишининг ҳам аччиқ ачакдек чўзилиб ётганига нима деб жавоб беришаркин?! Биз бу ҳақда биринчи бор гапираётганимиз йўқ. Юқори ташкилотларга жуда кўп мароталаб мурожаат қилиб чарчадик. Ҳеч қандай натижа чиқмади.

Майли газетага ҳам бир ёзиб кўрайликчи, зора фойдаси тегиб қолса, деган умидда ушбу мактубни йўлладик!

Салим УСАРОВ,
ишчи.
Илҳом ИЎЛДОШЕВ,
шофёр.
Улуғбек ҲАТАМОВ,
клуб мудири.

ТЕЛЕМУНАҚҚИД КЕРАК

Республика телевидениеси кўрсатувларининг савияси ва таъсирчанлигини, ижодий коллективнинг қайта қуриш ишидаги масъулиятини оширишда телевизион танқидчиликнинг роли муҳимдир. Афсуски, ҳали бу соҳада айтарли иш қилинмаган. Тўғри, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Мухбир» журналида баъзи мақолалар чиқиб турибди. Барибир чуқур таҳлилли материаллар жуда кам. Ҳолбуки, Ўзбекистон телевидениеси ўзига хос тажриба тўплаган. Унинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Иқбол» сингари туркум кўрсатувлари, қатор телеспектакллари, видеофильмлари томошабинлар эътиборини қозонган.

Режиссёр Ш. Махбубовнинг бир неча телефильмлари кўрик-конкурслар совриндори бўлди. Талантли тележурналист Дадахон Ёқубов «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатуви билан республикага танилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси зукко ва билимдон мунаққиднинг баҳосига муҳтож. Бундай мутахассислар бизда борми? Йўқ деёлмаймиз. Тошкент Давлат университетининг телевизион ва радио журналистика кафедраси, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти «Кино ва телевидение» секторида ўнлаб мутахассислар хизмат қилишяпти. Бироқ, улар кўрсатувларни чуқур таҳлил қилиб, салмоқли тақризлар ёзишни негадир ўзларига эп кўришмаяпти.

Менимча, телемунаққидликни ривожлантириш, бу ишга тажрибали мутахассисларни жалб этиш лозим

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.



ВЛАДИМИР Дмитрович Попов пойтахтдаги «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали фрезерчиларидан. У ўзининг сифатли меҳнати билан корхонадаги қайта қуриш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Т. Каримов фотоси.

КООПЕРАТОРЛАР СЪЕЗДИ

7 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон матлубот кооперациясининг XVII съезди иш бошлади. Ўзбекбирлашув правлениесининг иши ва матлубот кооперациясини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида правление раиси А. М. Маҳмудов ҳисобот доклади қилди. Ўзбекбирлашув ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади ҳам тингланди.

Съезд қатнашчилари ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекбирлашув кенгаши ва ревизия комиссиясини сайлашлари керак.

Съездда «Центросоюз» правлениеси раисининг ўринбосари И. Г. Дахов нутқ сўзлади.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР халқ депутатлигига номзод Коршунов

Мамлакат касаба союзларидан СССР халқ депутатлигига номзод А. Коршуновнинг сайловчилар билан биринчи учрашуви унинг ўзи ишлайдиган В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтди.

— Ростини айтсам «конкурс»дан ўтишимга ишонмаган эдим. Қаердадир рўйхатлар олдиндан тайёрлаб қўйилган, номзодлар эса олдиндан саралаб қўйилган, деб ўйлардим,— деди Александр Александрович Коршунов учрашув чоғида. — Лекин мамлакатнинг ҳамма томонидан касаба союзларидан кўрсатилган номзодлар иштирок этган ВЦСПС пленумида сайлов органларидаги демократиялаш шиор эмас, балки совет турмушидаги чинакам янги қонун эканлигини амалда тушундим. Ниҳоят биз «сайловсиз сайлов»дан қутулдик. Бу ерда ҳеч нарса олдиндан белгилаб қўйилмаган эди. Бардош бериш жуда қийин бўлди. Уч кун давомида қаттиқ кураш кетди, аммо бу кураш биз номзодлар ўртасида боргани йўқ. Чунки биз дарҳол умумий тил топишиб кетдик, балки кураш уларнинг тарафдорлари ўртасида борди. ВЦСПС пленуми воқелигимизнинг энг нозик жиҳатлари юзасидан ўткир баҳсга жуда ўхшаб кетди. Менга кутилмаган саволлар беришди. Қонунларни қандай билишимни ва сиёсий дунёқарашимни, экономика ва социал турмуш, фан ва маданият муаммоларидан қанчалик хабардорлигимни текшириб кўришди. «Йиқитиш» учун ҳам жуда кўп савол беришди. Хуллас ана шу ҳужумга бардош бериш учун бутун билимни, топқирликни, баъзан эса ҳазил-мутойбани ишга солишимга тўғри келди. 204 номзоддан фақат 114 киши қолди. Биз учинчи даврадан ҳам ўтишимизга тўғри келади — 22 мартда ВЦСПСнинг кенгайтирилган пленуми бўлади, пленумда яна ўн тўрт киши курашдан четга чиқади.

Корхонадаги бу учрашув ҳам СССР халқ депутатлигига номзод учун ўзига хос имтиҳон бўлди. Цех бошлиғи Р. Кессельман — депутатликка номзоднинг ишончли кишиси у ҳақда қисқача сўзлаб берди:

— Александр Коршунов ишлаб чиқаришда ўттиз йилдан буён меҳнат қилмоқда. Бу ерга у мактабни битирганидан кейин слесарга шогирд бўлиб келган эди, шу ерда юқори малакали мутахассис, ёшларнинг мураббийси бўлиб етишди. Цех комитети ва партия бюроси составига бир неча бор сайланди, 1980 йилдан буён филиалдаги бригадирлар кенгашининг раиси, ўтган йилдан бошлаб эса меҳнат коллективи кенгашининг раисидир. Икки орден — Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланган. Жамоат арбоби сифатида хўжалик ҳисобини, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини жорий этишга катта ҳисса қўшмоқда, сиёсий тафаккур доираси кенг, табиатан нотиқ бўлиб. меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун курашчига хос фазилатларга эга.

Заводда А. А. Коршуновни ҳамма таниса ҳам, дўстларга нисбатан талаб бошқача. Учрашувга келган цех комитетларининг раислари, касаба союз активлари сиёсий программасини баён қилиб беришини, агар депутат қилиб сайласалар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиши ҳақида сўзлаб беришини талаб қилдилар.

— Депутатларнинг асосий вазифаларидан бири — янги, икки ҳил маъно билдирмайдиган, ҳамма учун тушунарли қонунларни яратишдан иборат, бундай қонунларга қўлдан-кўп изоҳловчи иловалар бўлмаслиги керак. Ана ўшанда қонунни ҳамма ҳурмат қилади. Ҳозир аҳвол қандай? Қонунларимиз аниқ ва тушунарли эмас, лўнда баён қилинмаган, уларга жуда кўп тузатишлар киритилган. Қонунни ҳар томонга буриб юбориш мумкин, деган гап шундан келиб чиқмаганмикан? Мисол қидиришга ҳожат йўқ: кооперация тўғрисидаги янги қонунга қанчаданқанча тузатиш киритилди! Кооперация раҳбари бу қонунга мувофиқ нормал ишлаши учун ўзини ҳар оҳангга солишига тўғри келади. Сайлов тўғрисидаги қонунчи? Ҳатто унга ҳам иккита тузатиш киритилди. Ёки бўлмаса бўйдоқлар солиғи тўғрисидаги қонунни олиб кўринг, бутун маданиятли дунёда бундай қонунни тополмайсиз! Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги шиорларда биз ҳаммадан ўзиб кетдик. Совет хотин-қизлари бетон ётқизишаяпти, вагонлардаги юкларни бўшатишаяпти, ҳатто ишдан кейин ҳам қолиб меҳнат қилишаяпти, шу билан бирга оддий тарбия ололмаган ва маданиятдан орқада қолган авлодлар ўсиб етишмоқда. Менинг қатъий ишончим шундай: депутатлар янги қонунларни ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари керак — бусиз ҳеч қандай ҳуқуқий давлат бўлмайди.

Мамлакат касаба союзларидан СССР халқ депутатлигига номзод кўплаб ва хилма-хил саволларга жавоб қайтарди: сайловчиларни янги қонунларни «ҳимоя қилиш» механизми ва давлат бюджети «сирларини очиш», ускуналарни модернизациялаш ва технологияларни такомиллаштириш, маслаҳатчилар судини ташкил этиш ва кўнгилли жамиятларнинг ҳаражатларини кўтариш каби хилма-хил муаммолар қизиқтирди. Номзодни янги учрашувлар кутмоқда.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

✦ **СУРАТДА:** Тошкент экскаватор заводининг тайёр маҳсулотлар майдонида созловчилар О. Мансуров ва А. Рустамовлар агрегатни буюртмачига жўнатиш олдидан синаб кўришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Македониядаги учрашувлар

БЕЛГРАД, 7 февраль. (ТАСС). Македония коммунистлар союзи Марказий Комитетининг таклифига биноан Югославияда меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигидаги Совет Ўзбекистони Компартияси делегацияси Скопьега келди.

Бугун Македония коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси Я. Лазаровский билан учрашув бўлиб ўтди. У СССРдан келган меҳмонларга Югославиядаги энг жанубий республиканинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши ҳақида, бу йўлда у дуч келаётган жиддий муаммолар тўғрисида гапириб берди. Унинг айтишича, мавжуд тангликни аста-секин бартараф этиш учун иқтисодий ва сиёсий системаларни ислоҳ қилишда, коммунистлар союзининг ўзида туб ўзгартишларни амалга оширишда фаол қатнашиш македониялик ва барча югославиялик коммунистларнинг асосий вазифасидир. Суҳбат чоғида Македониянинг партия раҳбари СССРда амалга оширилаётган қайта қуришни, бошқа социализм мамлакатларидаги демократик жараёнларни ЮСФРдагилар алоҳида қизиқиш билан кузатиб бораётганликларини айтди. У халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги аҳволнинг долзарб масалаларига Югославияда қандай муносабатда бўлинаётганлиги тўғрисида ахборот берди. Бу масалалар тинчлик, тараққиёт ҳамда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик жараёнини мустаҳкамлаш учун курашга таллуқли эди.

Р. Н. Нишонов югославиялик ўртоқларни ҳозирги босқичда Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг ғоят муҳим масалалари билан таништирди ҳамда республика коммунистларининг партия ички ва жамоат турмушини қайта қуриш, демократиялашув жараёнларига мувофиқ иш услуби ва методларини ўзгартириш учун олиб бораётган курашига эътиборни қаратди. Ўзбекистон ССР ва умуман Совет Иттифоқини ривожлантириш тўғрисида ҳам гап борди.

Томонлар Македония коммунистлар союзи билан Ўзбекистон Компартияси, иккала республика ўртасида барча соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқалар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришдан ғоят манфаатдор эканликларини таъкидладилар.

Ўзбекистон делегациясининг аъзолари СССРдаги кўпгина турдош корхоналар билан амалий ва дўстона алоқа боғлаб турган Скопьедаги И. Броз Тито номли металлургия комбинатида, шаҳардаги чарм фабрикасида бўлдилар. Суҳбатлар чоғида Македония хўжалик ташкилотларининг кўп миллатли совет мамлакатидаги саноат корхоналарининг коллективлари ва бошқа коллективлар билан ҳамкорлигига ижобий баҳо берилди.

Эртага визит давом эттирилади.

ҚАЙТА САЙЛАМАЙМИЗ ДЕЙИШДИ

Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзолари ана шундай қатъий хулосага келдилар

КОЛХОЗ правлениеси раисининг бу галги ҳисобот доклади ҳам ҳар доимги маърузалардан унчалик фарқ қилмади. Зиммадаги планлар, қайсилари бажарилди-ю, қай бирлари ўлда-жўлда қолиб кетди... Илғорлар-у, вазифани уддалай олмаганлар... Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозда ўн беш йилдан буён правление раиси бўлиб ишлаб келаётган Риқким Қорабоев ёзма равишда тайёрлаб олган докладини шу тариқа қийналақийнала ўқиб берди. Бундан 35—40 йиллар муқаддам полвон чоллар ҳашари билан тикланган тўққиз пахсали клуб биносига сиғмай кетган Ҳондойлиқ қишлоғи одамлари совуқ назар билан унга тикилиб туришарди...

Авваллари сира бундай бўлмаган эди. Қишлоқ кишилари раис маърузасини лоқайд тингламасдан, беш-олти киши номигагина музокараларда қатнашар, мажлисдан сўнг майдачуйда совға-саломлар улашилар, шу билан йиғилиш поёнига етарди. Бу йилги ҳисобот-сайловда иштирок этаётганларнинг важоҳати бошқача эди. Ўзи нима гап? Ўн беш йилдан бери раиснинг юзига тик қарамаган, гапини икки қилмай ишлаб юрган бу одамларга нима бўлди?..

Қорабоев ҳисоб беришда давом этар экан, халқни ғазабга солган сабаблар ойдинлаша бошлади. Раиснинг айтишича, ўтган хўжалик йили ҳамма соҳа равнақи учун жуда қулай келган. Оилавий пудрат асосида иш юритган сабзавотчилар мўл ҳосил етиштиришибди. Афсуски...

Ҳа, мана шу ўринга эътибор бериш керак. Афсус, не-не машаққатлар билан йўқдан бор қилинган помидор, пиёз, сабзи ҳосилларининг анча қисми териб тайёрланган жойида ириб-чириб кетди. Деҳқонлар бутун мавсум давомида оила аъзолари билан ишлай-ишлай топганлари шундоққина кўз олдларида нобуд бўлди. Колхоз плани тўлгач, кўнгли хотиржам тортган правление раиси ҳам, бошқа раҳбарлар ҳам жафокаш деҳқоннинг жонига оро кирмадилар.

Музокарада қатнашганларнинг маърузалари ҳам шиддатли, аламли ва фавқулодда кескин бўлди. Колхозчилар энди раиси ҳам, правлениенинг бошқа аъзоларини ҳам аяб ўтиришмади. Қорабоев раҳбар бўлганига шунча йиллар ўтибди-ю, юз қилиб гапирадиган бирон-бир маданий-маиший бино тикланмабди...

Дарвоқе, йирик шохли чорва моллари учун анча қулай шароит яратилган экан. Иссиққина бинолар, тўйимли озуқалар, бўйнини сал чўзса отилиб чиқадиган зилол сув... Колхоз аъзолари, уларнинг оила, бола-чақаларига-чи? Бу қишлоқ кишилари ҳамон гигиена талабларига мутлақо зид аҳволдаги оқава сувни тинитиб ичишади.

Шу ўринда колхоз раиси «ташаббуси» билан қилинган бир ишни ҳам айтиб ўтиш керак. Бундан бир неча йил аввал, Қорабоев ҳеч ким билан келишмай туриб, одамларнинг ягона ичимлик суви бўлмиш тоғдан келадиган ариқни тескари адирга буриб юборди. Бунинг учун катта довон чўрт кесилиб, беҳисоб бетон лотоклар ётқизилди. Оғзидаги сувдан маҳрум бўлган қишлоқ кишилари арз қилавергач, у сувни қайтариб беришга мажбур бўлди. Бунинг натижасида колхознинг уч юз минг сўмга яқин даромади кераксиз жойда қолиб кетди.

Колхоздаги аёлларнинг аҳволи, айниқса, оғир. Улар ҳозирги қиш кунларида оёқларидан зах, бошларидан қор-ёмғир уриб, парникларда ишлайдилар. Тушлик, ора-чора дам олиш учун кичик бир шароит ёки пана жойнинг ўзи йўқ. Хотин-қизлар номидан сўзга чиққан Г. Сахатованинг куюниб айтишича, бундай оғир шароит таъсирида Ҳондойлиқ қишлоғи колхозчи аёлларининг кўпчилиги ногирон ва инвалид бўлиб қолмоқда. Даладан ҳориб-толиб қайтган колхозчиларнинг ювиниб олиши учун ҳаммом йўқ. Тезроқ бирон-бир иссиқ овқат пиширай деса газ йўқ...

Сўнгги йиллардаги яна бир катта муаммолардан бири хонадонлардаги чорва масаласи. Сабаби уларни боқиш қийин бўлаяпти. Тўғри-да, қишлоқда подачи бўлмагач, уларни ким ҳам тузукроқ боқарди. Бу соҳадаги яна бир катта ташвиш — Калинин номли колхоз хонадонлари қўшниси бўлмиш «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозига мудом жарима тўлайдилар. Жарима чегарага яқин майдондаги боғ ва токзорларга бевош чорва моллари оралаб кетгани учун ундириб олинади. Бир бош қорамол учун 50 сўм жарима белгиланган. Ўтган йилги икки ой давомида Калинин номли колхозда яшовчи 16 киши жарима тўлади. Демак, бу колхоздагилар бойбадавлат эканларда, деган таассурот туғилиши табиий. Қаёқда дейсиз, жарима тўлаган хонадонлардан кўпчилигининг қозонида ҳафталаб гўшт қайнамайди. Лекин қандай қилиб бўлса-да, сигирни қутқариб олиш керак, ўғил-қизлар ҳар куни эрталаб бир пиёла сут билан овунишади, ахир! Агар қишлоқнинг ички ишлари тартибга солиниб, подачи топилганда, бундай кўнгилсизликлар содир бўлмасди. Хўш, подачини ким топади, умуман, ташкилий ишлар билан шуғулланадиган одам борми ўзи? Қишлоқ Совети раиси ҳаракат қилаётган экан-у, «қўли калта»лиги панд бераркан. «Қўли узун» колхоз раисичи? У кишига планлар бажарилса, район раҳбарлари олдида юзи ёруғ бўлса бас! Қишлоқдагилар бўтана сув ичадими, бор-йўғини жаримага тўлайдими, мол-ҳоллар йўқоладими ёки йўқолиб кетадими... бунақа «майда-чуйда»лар билан Қорабоевнинг мутлақо иши йўқ... Чунки унинг ўзи замонавий, барча шароитлар муҳайё этилган посёлкада яшайди. Қишлоқдан 20 чақиримча наридаги уйидан уни ҳар куни машинада олиб келишади, элтиб қўйишади. Ўн беш йил шундай ўтди, бундан буёғига ҳам бу киши «бир амаллаб чидайди».

Шу тартибда раҳбарлик қилиб юравериш учун Қорабоев «астойдил» рози эди. Аммо сабр косалари тўлиб-тошган колхозчилар орасида бирдан портлаш содир бўлди. Сўзга чиққан А. Умаров, Ш. Расулов, И. Умаров, М. Ботиров, Т. Қорақўзиев кабилар алдов ва қуруқ ваъдалар жонга текканини, раис ҳамда правление аъзоларига бетма-бет туриб гапирдилар. Правление раиси — бюрократ бошлиқнинг бу лавозимга қайта сайланмаслиги таклифини ўртага қўйдилар. Колхозчиларнинг «ўзи хон, кўланкаси майдон» Қорабоевдан шунчалик кўнгли қолиши ўринлими? Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар ёлғиз раисга тегишли эдими? Афсуски, фақат унинг «фатво»си билан ҳар йили топилган маблағнинг анча қисми елга совурилаётгани сир эмасди. Аслида бу хўжаликдагилар ёмон меҳнат қилишмайди. Масалан, 1988 йилда маҳсулот сотишдан келган даромад 2 миллион 532 минг сўмга етди. Соф даромад эса 441 минг сўмни ташкил этди. Хўш, колхозчиларнинг пешона тери эвазига топилган ана шу даромад нега қандайдир тепаликларни қўпориш учун сарфланиши керак? Қорабоевнинг ҳотамтойлиги ўз колхозчилари учун эмас, Ҳондойлиқ қишлоғи теварагидаги боғ-роғларни эгаллаб олган оромгоҳлар манфаатига қаратилгани ҳам аҳолини қаттиқ ранжитди. Қаранг-а, ўн икки оромгоҳ 21,8 гектардан ошиқ майдонни эгаллаб олибди-ю, бундай талон-тарожликларга қарши ғинг дейиган одам топилмабди. Ғинг дейишдан наф йўқ экан, зотан, улар колхоз раисини тез-тез йўқлаб туришаркан-да!

Раис номига айтилган бундай эътирозларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Шу пайтга қадар индамай чидаб келган колхозчилар энди ҳақиқатни гапиришарди. Аммо, буни қаранг-ки, Қорабоевнинг ўрнига сайлаш учун бирон резерв кадр тайин этилмаган экан. «Қани, биронтанг юрак ютиб майдонга чиқчи», дегандек, мийиғида кинояли кулумсиб ўтирган раисининг «юзига оёқ қўйиш»га чиндан ҳам ҳеч ким журъат этолмасди. Колхозчилар эса оёқ тираб туриб олдилар. «Раиссиз яшасак ҳам майли, бироқ, ўз роҳати, шахсий манфаатини кўзлайдиган Қорабоев кабиларни бу ўринга сайламаймиз! Тўйларимизда ҳам, бошимизга кулфат тушганида ҳам шерик ва дардкаш бўладиган инсон керак бизга...» дейишди улар.

— Шундай экан, ўз номзодларингизни кўрсатинг, — дея колхозчиларга юзланди мажлисда иштирок этаётган район ижроия комитети раиси А. И. Кашченко. Қишлоқ аҳолиси ўзлари ишонган фарзандларини правление раислигига тавсия этдилар. Улар Т. Жўраев, О. Қодиров, С. Ҳусановлар эди. Аммо Т. Жўраев ва О. Қодиров ўз номзодларини қайтариб олдилар. Шундай қилиб, колхоз бош бухгалтери бўлиб ишлаб келган С. Ҳусановнинг номзодигина қолди.

— Демак, С. Ҳусанов колхоз правлениесига раис бўлиши учун розисизлар? — сўради райижроком раиси.

— Албатта, розимиз! — якдиллик билан жавоб қайтарди колхозчилар.

Ниҳоят, мажлис поёнига етди. Лекин ҳали янги раис сайланмади. Бундан қатъий назар Калинин номли колхозда юз берган бу воқеани ошкоралик тантанаси дейиш мумкин. Улар янгича ишлаш истагини билдирмоқдалар.

Асад АСИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз махсус мухбири.

ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

КОММУНИСТ НОМИГА НОМУНОСИБ

Партия комиссиялари фаолиятидан

«Ленин йўли» колхозининг бошланғич партия ташкилоти сут соғувчи Рўзигул Турсунова кандидатлик даврида ўзини кўрсатмаганлиги учун уни КПСС аъзолигига қабул қилмади. Авваллари бундай принципиаллик учун партия ташкилоти шаънига мақтов сўзлари айтилар эди. Бироқ район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси бошланғич ташкилотга Р. Турсуновага рекомендация берган коммунистлар, шунингдек, цех партия ташкилоти секретари Н. Содиқова билан партком секретари М. Иброҳимовларнинг масъулиятини кўриб чиқишни топширди. Улар партия сафига қабул қилишда юзакичиликка йўл қўйганликлари учун жазоландилар.

Бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз КПСС Марказий Комитетининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги қарорини изчил бажармоқчи бўлсак, ҳар бир коммунист, биринчи навбатда партия ташкилотлари секретарлари масъулиятини кучайтиришимиз зарур. 1988 йилнинг ўзида партия ташкилотлари КПСС аъзолигига кандидатлардан беш кишини партия аъзолигига қабул қилмади. Партия сафига танлаб олишда принципсизликка йўл қўйган коммунистлар эса жазоландилар.

Партия сафларини шакллантиришдек ғоят муҳим ишда «брак»ка йўл қўймасликнинг қатъий чоралари кўриляпти. Парткомлари бўлган 17 та ташкилотда партияга қабул қилиш масалаларини кўриб чиқувчи штатсиз комиссиялар ташкил этилган. Уларнинг составида партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ходимлари, маҳаллий советларнинг депутатлари бор. Жумладан, «Партия XIX съезди» колхози партия комитети ҳузуридаги комиссияга райком аъзоси, партия, уруш ва меҳнат ветерани Аҳмад Душабоев, «Ленинобод» колхозида эса райком аъзоси Инобат Ҳожибекова раҳбарлик қилмоқдалар.

Штатсиз комиссиялар партияга кириш истагини билдирганларнинг ишчанлик, сиёсий, ахлоқий хислатларини чуқур ва атрофлича ўрганиш билан бир қаторда цех партия ташкилотлари, партия группалари, комсомол ташкилотларининг бу соҳадаги ишларини мувофиқлаштириб бормоқдалар. Ўз тақдирини КПСС билан боғлашга қарор қилганларнинг аризалари комиссия аъзолари иштирокида партия группалари ва цех партия ташкилотларида атрофлича муҳокама этилади. Шундан сўнг улар КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш учун мўлжалланган номзодлар рўйхатига киритиладилар.

Райком ҳузуридаги партия комиссияси ўтган йилнинг ўзида коммунистларнинг 70 та шахсий ишини кўриб чиқди. Уларнинг таҳлили ҳали ҳам партияга тасодифан кириб қолганлар учраб турганлигидан далолат беради.

Масалан, КПСС аъзоси Н. Шойзоқов район комсомол комитети аппаратида ишлар эди. Унга область партия комитетининг Оржоникидзе район комсомол ташкилоти бўйича қабул қилган қарори таъсир қилмаган экан. Маст ҳолда қўлга тушди. Медицина экспертизасидан ўтказилаётган пайтда ўзини нотўғри тутиб, милиция ходимларини ҳақоратлашгача бориб етди. Шундан сўнг бошланғич партия ташкилоти Н. Шойзоқовни КПСС сафидан ўчириш тўғрисида тўғри қарор қабул қилди.

Лекин бошқа бошланғич партия ташкилотларида бундай принципиаллик етишмаяпти. К. Маркс номли колхоз партия ташкилоти хўжалик кассири А. Ҳусаиновнинг маиший бузуқлигини муҳокама қилди. У оиласини ташлаб, бошқа аёл билан қонуний никоҳсиз яшай бошлаган экан. Дўстлари, ҳамкасбининг унга қилган насиҳатлари бефойда бўлди. Мажлисда коммунистлар А. Ҳусаинов ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин айтдилар. Лекин унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилинди. Ўзини обрўсизлантирган, КПСС аъзоси партия сафида қолиши мумкин деб ҳисобланди. Биз мажлис қатнашчиларининг бу принципсизликлари билан келишолмадик. Райком бюроси бизнинг таклифимизни маъқуллаб А. Ҳусаиновни партия сафидан ўчиришга қарор қилди.

Яна бир мисол. «Ленинизм» колхозида чойхоначилик қилган коммунист С. Мирзаев спиртли ичимликларни олиб сотаётганда қўлга тушди. Хўжалик партия ташкилоти унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилиб, уни КПСС сафида қолдирмоқчи бўлди. Масала кескин қўйилгач, С. Мирзаев партия сафидан чиқарилди.

Ҳозирги пайтда партия комиссиямиз ҳузурида учта штатсиз назорат группаси ташкил қилинган. Улар корхона, хўжалик ва муассасалар фаолиятини текшириб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик ишларини назорат қилувчи группа Мичурин номли колхозда дала ишларини ташкил этишда коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш соҳасидаги ишларни кўриб чиқди. Текшириш давомида хўжалик фаолиятида ҳам, партия ташкилоти фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Назорат комиссияси материаллари муҳокама қилиниб ишни яхшилашга қаратилган кескин чоралар кўрилди.

Комиссиямиз аъзоларининг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Улар тез-тез колхоз ва совхозларда, корхона ва ташкилотларда бўлиб, партия йиғилишларида иштирок этишаяпти. Коммунистлар билан суҳбатлашишаяпти. Бундай учрашувлар бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилашга кўмаклашаяпти.

С. ШАРОФХОНОВ,
Бўка район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси.



БУЮРТМАЛАР ТЎЛА БАЖАРИЛМОҚДА

ОЛМАЛИҚ рўзғор химияси заводи ишчи-хизматчилари ўтган хўжалик йилини барча асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли уддаладилар. Энг муҳими буюртмаларнинг белгиланган вақтда тайёрланиб, мижозларга жўнатилишига эришилди. Ўтган йили бу соҳа бўйича топшириқ 100 процент қилиб адо этилди.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган мўъжизакорлар катта моддий манфаат кўрмоқдалар. Ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажараётганликлари учун кўплаб қўшимча иш ҳақи олишяпти. Йил давомида ўнларча минг сўмлик пул мукофот тариқасида тарқатилди. Бунга аввало фойда олишни кўпайтириш ҳисобига эришилди. Бу кўрсаткич бўйича план 110 процентдан ошириб адо этилди. Айни вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 процент атрофида ошди.

М. МАҲМУДОВ.

ТОШКЕНТ қадоқлаш, ўраш жиҳозлари тажриба-конструкторлик технологик бюросининг оз серияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехи коллективи илғор усулларда меҳнат қилмоқда. Бу цехда иш унумдорлигини 30—35 процент оширди. Суратда: мазкур цех ишчилари В. Горо, Б. Ешков ва Р. Штейнлар кундалик ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

У. Усмонов фотоси.

СССРда ихтирочилик фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамада

Такомиллаштирилиши керак

БИРЛАШМАМИЗ ишчи ва инженер-техник ходимлари СССРда ихтирочилик фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ўз йиғилишларида кенг муҳокама қилдилар. Улар янги Қонуннинг техник тараққиётга қўшадиган ҳиссасига катта баҳо беришди. Шу билан бирга у айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмаслигини таъкидладилар.

— **Лойиҳада кашфиётлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган,**— деди электр пайвандчи И. Гасанов.— **Рационализаторлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлим ҳам йўқ. Ҳатто ВОИРдек йирик ташкилот ва унинг роли ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот берилмаган.**

Ремонт-қурилиш цехи бетончиси А. Наврозов ҳам сўзга чиқиб, Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилганлигини маъқуллади.

— **Негаки уни рационализатор ва ихтирочиларнинг барча саволларига жавоб бера оладиган даражада мукаммал деб бўлмайди. Муҳокамага эса жуда кам вақт берилган.**

Пружиначилар комплекс бригадаси бошлиғи, рационализатор В. Грибков III бўлимнинг 30-моддасидаги 2-бандга:

— **Ихтиродан фойдаланётган корхона унинг натижаси ҳақида авторни ўз вақтида хабардор қилиши лозим** — деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф этади.

— Ҳозир биз бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан иқтисодий бошқарув усулига ўтаяпмиз,— деди слесарлар бригадаси бошлиғи В. Пак сўзга чиқиб.— Бундай шароитда халққа ҳам, давлат аппаратидаги масъул кишиларга ҳам баробар тушунарли қонун чиқарилиши керак. Шундай нуқтаи назардан олинса мен 30-моддадаги 5-бандни қабул қила олмайман. Унда: **«СССРда патент олинган ва СССР гражданига, совет корхонасига (жамоат ташкилотига) ёки СССР Давлат патент фондига тегишли ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқини чет эл гражданларига ёки юридик шахсларга бериш СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда амалга оширилади»** — дейилган. Мен бу тартибдан бехабарман. Ўйлайманки, ҳамма ҳам мен каби бехабар бўлса керак.

Бундан ташқари йиғилишда ихтирони патентлаштириш муаммоси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Меҳнатқашлар лойиҳада ихтирони жорий қилиш муддати чўзиб юборилганлигини таъкидлашди. Унинг 2-бўлимдаги 13-моддасининг 2-бандида — **«Авторнинг ихтиро яратганлиги тўғрисида эслатган кунидан бошлаб уч ой мобайнида корхона ихтиро учун талабнома топширмаса, автор корхона (жамоат ташкилоти)ни патент эгаси сифатида кўрсатмай мустақил равишда талабнома тақдим этишга ҳақлидир»** — дейилган. Ҳозирги вақтда ихтиро патент олган кундан унинг иқтисодий самарасини ҳисоблаб чиққунча 8—10 йилгача вақт ўтади. Балки қонун кучга кириши билан ихтирочилик ҳаракати бундан ҳам фаоллашади. Лекин бунга ишониб бўлмайди. Янгиликларни тез ўзлаштира оладиган бўлиши учун экономиканинг ўзи кўп жиҳатдан қайта қурилиши керак. Албатта бу борада кейинги пайтда сезиларли ўзгаришлар бўла бошлади. Ихтирочилик фаолияти тўғрисидаги Қонун ҳам уни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводининг инженери.

ПУДРАТ, ИЖАРА ВА ЧЕК УСУЛИДА

Хўжалик ҳисоби: самара, тажриба, муаммолар

БЕКОБОДДАГИ 16-автокорхона областимизнинг пешқадам транспорт ташкилотларидан ҳисобланади. Унинг коллективи ўзининг ташаббускорлиги билан ҳам ном чиқарган, республикада пудрат усулини қўлланишнинг байроқдори ҳам бўлган. Дастлаб айрим бригадалар шу прогрессив усулда ишлаган эди. Ўтган йили эса у бутун корхонага ёйилди. Янгиликнинг самараси қандай бўлди? Қандай муаммоларга дуч келинди? Уларни бартараф этиш мумкинми? Корхона колоннаси бошлиғи Абдужалил ҚОРИЕВ билан бўлган суҳбатда шу масалалар тилга олинди.

— **Хўжалик ҳисоби усули корхонада қачон жорий қилина бошланди? Шу ҳақда қисқача тўхталсангиз.**

— Бу янгиликнинг самараси яхши бўлишини анча илгари ўз тажрибамизда кўрган эдик. Маълумки, уни корхонамизнинг донгдор шофери Ҳабибулла Абдужабборов, ундан кейин Николай Ким ва бошқалар етакчилик қилган бригадалар коллективлари республика автотранспортида биринчи бўлиб жорий этган эдилар. Уларнинг бир неча йиллик иш тажрибаси хўжалик ҳисобининг афзалликларини яққол кўрсатди.

Бу бригадаларда иш кўрсаткичлари эскича усулда ишлаётганларникига қараганда ҳар томонлама юксак бўлди. Бунинг энг асосий омили улар тўла маънода ўз хўжаликларининг хўжайинлари бўлиб қолишганида эди. Шу туфайли бу коллективларда тайёрга айёрлик, мендан кетгунча эгасига етгунча қабилида ишлаш умуман мумкин бўлмай қолди. Иш маданияти ҳам, меҳнатга муносабат ҳам, ихтиёрларидаги автомашиналар қарови, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳам анча ўзгарди. Ҳар соҳада тежамкорлик одат бўлиб қолди.

Хўжалик ҳисобининг афзалликларини тажрибада синаган коллективимиз бутун корхонани хўжалик юритишнинг замонавий тартибига ўтказиш ҳақидаги таклифни тўла қўллаб-қувватлади. Ортиқча ташвиқотга ҳам ҳожат қолмади. Янгиликни жорий қилишдан фақат наф кўриляпти. Энг муҳими коллектив ўртасида ахлоқий-психологик муҳит кескин яхшиланди. Ҳамма ўз меҳнатига яраша иш ҳақи олмоқда. Илгариги тенглик тенденцияси барҳам топди. Кимга қанча маош тўлашни бригадалар коллективлари кенгаши ўзи ҳал қилади. Бунга маъмурият ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам аралашолмайдилар.

— **Ишлаб чиқариш кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Корхонамизда тўла хўжалик ҳисобини жорий қилганимизга ярим йилдан сал ошган бўлса ҳам самараси яққол кўзга ташланиб турипти. Ўтган йилдаги меҳнатимиз натижаси шундан далолат бермоқда. Тўғри, илгари ҳам давлат планларини тўла ва ҳатто ошириб ҳам бажарар эдик. Лекин ҳамма гап уни қандай уддалашда, қанча моддий ва ишчи кучи ресурсларини сарфлаб бажаришда қолган. Илгари планларни адо этиш учун анча кўп шундай ресурслар харж қилинарди. Оқибатда корхонанинг турли хил фондларига кам маблағ қоларди.

Хўжалик ҳисобини жорий қилиш билан меҳнатимиз натижасидан моддий манфаатдорлигимиз анча ортди. Чунки, белгиланганидан анча кам моддий ва меҳнат ресурслари сарфлаб, зиммамиздаги вазифаларни муваффақиятли бажардик. Ўтган йил давомида топширқдагидан ташқари ташиб берилган халқ хўжалиги юклари ҳажми 112 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Ҳаммаси бўлиб эса 6 миллион 652,1 минг тонна юк ташидик. Тонна-километр ҳисобида у 82 миллион 107 мингни ташкил этди. Бу рақамлар қанчалик салмоқли эканлигини аниқ тасаввур қилиб кўринг-а! Албатта, буни мақтаниш ёки мағрурланиш учун айтмаяпман. Меҳнатсевар коллективимизнинг қандай катта ҳажмдаги ишни бажараётганлигини кўрсатиш учун келтираяпман.

Аслида эса бундан ҳам каттароқ ҳажмдаги ишни бажариш қўлимиздан келади. Бироқ ўзимизга боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган муаммоларнинг мавжудлиги бунга имкон бермаяпти. Улар ҳақида жуда кўп вақтдан бери гапириб келинади, лекин амалий натижа бўлмаяпти

Шунинг учун коллективимиз ремонтдан чиққан агрегатларни қайта ремонт қилишга мажбур бўлмоқда. Бу қўшимча маблағ ва ишчи кучи талаб қилади, албатта. Ўнинчи авторемонт заводи раҳбарлиги бу ишда ҳаммага «намуна» бўлмоқда.

Корхонамиздаги автомашиналарнинг учдан икки қисмдан кўпроғини ўзи ағдаргичлар ташкил этади. Прицеплар ҳам асосан шундай. Айрим узеллар, айниқса, ўзи ағдаргич машиналар ва прицепларнинг асосий қисми — кўтаргичларнинг камёблиги ишимизга катта тўғаноқ бўлмоқда. Шу узел етишмаётганлиги оқибатида машина-прицепларнинг муайян қисмидан фойдаланиш мумкин бўлмаяпти. Улар бекор туриб қолмоқда. Муттасадди ташкилотлар раҳбарлари бу муаммоларга эътиборни қаратишлари керак. Уларни ҳал қилишни пайсалга солиш янада катта қийинчиликларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик зарур.

— **Бунда қандай муаммоларни назарда тутаяпсиз? Шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни баён этсангиз?**

— Аввало автомашиналар ва айниқса, уларнинг двигателлари ремонти масаласини назарда тутаяпман. Автомобилларни капитал ремонт қилиш ишларининг аҳволи шунчалик мушкул, ачинарлики, ҳатто тилга олгинг ҳам келмайди. Чунки, бу ҳақда гапиравериб, ўринли шикоят қилавериб чарчадик. Фақат бизда эмас, барча турдош корхоналарда ҳам аҳвол шундай десам хато қилмаган бўламан.

Умуман республикада автомашиналар ремонти базаси ниҳоятда талабдан орқада қолмоқда. Қайта тиқлаш ишлари жуда чўзиб юборилади, бунинг устига сифати ҳам яхши бўлмайди. Капитал ремонтга берилган бирорта автомашинамиз ёки унинг двигатели кўнгилдагидек тикланганлигини билмайман.

— Ҳозирги вақтда тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпмиз. Бутун корхона шунга ўтган, деб айтдим юқорида. Бу босқичда ўзини маблағ билан таъминлаш принципига амал қилинади. Эндиликда биз ўз харажатларимизни ўз ҳисобимиздагина қоплаш билан чегаралланмаймиз. Ўзимизни ўзимиз пул билан ҳам таъминлашимиз керак. Ишлаб топилган нақд фойдадан маҳаллий бюджетга, раҳбар ташкилотларга, ўз корхонамизга маблағ ажратамиз. Коллективга қолган маблағдан социал-иқтисодий тараққиёт, моддий рағбатлантириш фондлари кўпайтириб борилади.

Ўтган йили умумий даромадимиз олти миллион олти юз ўттиз минг сўм бўлди. Нақд фойда эса бир миллион беш юз минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Бу кўрсаткич плани 2,5 процент ошириб бажарилди.

Бунга тежамкорликка эътибор кучайганлиги ҳам ёрдам берди. Тежамли ишлаганларни рағбатлантиришнинг янги тартиби ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларни иқтисод қилса ҳайдовчига улар қийматининг 30—50 проценти мукофот тариқасида тўланади. Маълумки, автомашиналарнинг ремонтлараро ишлаш муддати белгиланади. Агар ҳайдовчи машинага яхши қараб, яхши сақласа, яъни «тулпори» муддатида ремонт талаб даражасига тушиб қолмаса ҳам рағбатлантирилади. Жорий ремонт учун кетадиган жами харажат мукофот сифатида унга берилади.

Ижара пудратини жорий қилиш, чек системасига ўтилганлиги бунда катта роль ўйнамоқда. Ҳозир корхонамиздаги йигирмата машина ҳайдовчиларга — ижарачиларга биркитиб қўйилган. Маъмурият билан тузилган шартномага биноан шофер бир ой давомида машина ишлатганлиги учун корхонага ижара ҳақи тўлайди. Бунда ўзининг қанча ишлаганлиги ҳисобга олинмайди. Қанча кўп топса ўзига шунча фойда. Бироқ автомашиналарнинг техник қолатини доим кўнгилдагидек сақлаши керак.

Ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солишда чек системасининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳар бир ҳайдовчига, шунингдек, ҳар бир участка ва ремонтчилар бригадасига шундай ҳужжат берилган. Унинг учта банди бўлиб, уларда эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи, кўрсатилган хизмат ҳақи қайд қилинади. Бу ресурслардан фойдаланишдаги пала-партишликни бартараф этди, ҳамма нарса — ҳар бир литр бензин-мойлаш, ҳар бир дона эҳтиёт қисм ҳисобда турадиган бўлиб қолди. Шу сабабли бир йил давомида қирқ тонна бензин, саксон икки минг литр дизель ёнилғиси, анча миқдорда эҳтиёт қисмлар тежаб қолинди.

Умуман, хўжалик ҳисобини жорий этиб зарар кўрмадик. Ютуқларимиз салмоғи ортди. Унга муносиб ҳисса қўшаётганлар ҳақида тўхталмоқчиман. Республика автотранспортчиларига машҳур Ҳабибулла Абдужабборов раҳбарлигидаги бригада аъзолари ҳамон ҳаммага намуна бўлишяпти. Коллективга 16 та машина биркитилган. 32 кишидан иборат бригада ўтган йили икки миллион 317 минг тонна юк ташиб, планни деярли 109 процент қилиб адо этди. Н. Ким, А. Жўраевлар раҳбарлигидаги бригадалар, ҳайдовчилардан Ш. Раҳматуллаев, А. Рустамов, А. Ражабов, Ю. Қурбоновлар ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтгинг келади. Сафида шундай меҳнатсеварлар кўп бўлган ва хўжалик юритишнинг илғор усулларига суянган коллективимиз бу йил ҳам юксак марраларни кўзламоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ИШОНМАСАНГИЗ КЕЛИБ КЎРИНГ»

Шаҳарда яшаб сувни сотиб олиб ичамиз, десак кўпчилик ишонмаса керак. 1988 йил 10 декабрда газетада босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий хабарда Кесканжир маҳалласида ичимлик сувининг танқислиги ҳақида гап кетган эди.

Хабар юзасидан ўтказилган текширишда унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди,— дейилади Паркент район Совети ижроия комитетининг раиси Н. Н. Бабошинанинг редакцияга юборган жавобида.

Кесканжир маҳалласида аҳолини тоза сув билан таъминлаш мақсадида шу кунларда водопровод қувурлари ётқизилмоқда. Бу ишлар биринчи квартал охиригача тугалланиб, маҳалла аҳолисининг талаби тўла қондирилади. Маҳалладаги хонадонларга электр энергияси 239-трансформатор киоскасидан берилади. Бу ерда ток кучининг пастлиги натижасида айрим вақтларда электр нури хиралашиб қолади. Маҳалла аҳолисини тўла электр қуввати билан таъминлаш учун трансформатор киоскаси ўрнатишга лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Бу тадбир йил охиригача амалга оширилади. Қўчаларини ремонт қилиш, шағал тўкиш ишлари 1990 йил планига киритилди. Кўпчилик хонадонлар сунъий газ билан таъминлаб турилибди, табиий газ келтириш учун ҳозирча имконият йўқ, дейилади жавоб охирида.

«ОРҚАНГИЗГА БИР ҚАРАНГ»

Техника воситаларини очиқ ҳавода ётиши, гараж биносининг нураб кетганлиги ўтган йил 14 декабрь сонидаги фотоайбномада танқид қилинган эди.

Газетанинг бу чиқиши «Далварзин» совхози маъмурияти партия ташкилоти, ишчилар комитети ҳамда 3-бўлимнинг гараж ходимлари иштирокида муҳокама қилинган ва кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилиб, уни тугатиш тадбирлари белгиланган. Гараж устахонасининг нураб турган жойлари ремонт қилинди. Очиқ ҳавода ётган техника воситаларини бостирмалар тагига олиш ишлари амалга оширилди.

«МАБЛАҒ БОР, ҚУНТ ЙЎҚ»

Газетанинг ўтган йил 2 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий хабарда Жумабозор посёлкасида газлаштириш ишлари ҳаддан ташқари чўзиб юборилганлиги кўрсатилган эди. Хонадонларга газ ўтказиш харажатлари қиймат бўлганлиги учун унинг эгалари қурувчилар билан келиша олмади, дейилади редакцияга келган жавобда. Натижада 333-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бу ерда ишни тўхтатиб қўйишди. Шундан кейин «Правда» колхози «Янгибозоргаз», Арганча қишлоқ Совети ҳамда «Газовик» кооперативи билан ҳамкорликда «Труд» кооперативи билан шартнома тузишди. Бу кооператив ҳар бир хонадонга газ ўтказиш харажатини 40—50 сўмга камайтириб ўтказиб беришга розилик бўлди.

Шу кунларда кооператив аъзолари посёлкадаги 30 та хондонга газ ўтказиб берди ва улар табиий газга уланди. 50 та хонадонда эса монтажлаш ишлари тугалланди. Ўтган бир ярим йил ичида «Газовик» кооперативи Жумабозор посёлкасида 12 километр масофага газ трубалари ўтказиш ишларини амалга оширишди. Шу йилнинг биринчи ярмида посёлкадаги кўчаларга табиий газ учун трубалар ўтказиш ишлари тугалланади. Кўпчилик хонадонлар сув билан иситиш системасига уланади,— дейилади Коммунистик район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Утамалиевнинг жавобида.

«ТРОЛЛЕЙБУС ҚАЧОН ЮРАДИ?»

Олимпия шаҳарчасига транспорт қатнови яхши йўлга қўйилмаган. Шу ерда яшовчи аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қурилаётган троллейбус линиясининг битиши чўзилиб кетди. Газетанинг 1988 йил 14 декабрь сонида босилган юқоридаги мазмундаги хабарга Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. И. Парфеновдан жавоб олинди. Унда троллейбус қатнови учун мазкур трассадаги ишлар 1988 йилнинг 31 январигача тўла тугалланганлиги айтилади. Лекин «Мухбир» кўчасида «Таштрансспецстрой» бошқармасининг қурувчилари белгиланган қурилиш ишларини чўзиб юборишди. Кўчани ободонлаштириш ва асфальтлаш ишлари узоқ муддат амалга оширилмаганлиги туфайли мазкур линияда троллейбус қатновини йўлга қўйиш имконияти бўлмади. Куни кеча кўрсатилган камчиликлар тугалланиб, Олимпия шаҳарчасигача троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

Мен 1931 йилда туғилганман. Негадир ҳарбий билетимга 1934 йил ёзилиб қолган. Шуни тўғрилашда ёрдам берсангиз?

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги «Хасково» совхози.

Калинин район Совети ижроия комитети Ф. Убайдуллаевнинг туғилган йилини ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатларини кўриб чиқди. СССР Министрлар Советининг қарорида гражданларнинг исм-фамилияларини ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, туғилган йилларини аниқлаш масаласи етарли ҳужжатлари бўлган тақдирда гражданлик ҳолатларини рўйхатга олиш органлари ЗАГС орқали амалга оширилиши кўрсатилган. Етарли ҳужжатлари бўлмаган тақдирда бундай муаммолар халқ судлари орқали ҳал қилинади.

Уйимга телефон ўтказиб беришларини сўраб 1977 йилда навбатда турганман. Бу орзуимиз қачон амалга ошиши номаълум. Шуни аниқлашда ёрдам сўрайман.

Р. МУСАЕВ,
Октябрь район, Ал-Хоразмий кўчаси, 13-уй.

Юқоридаги хат Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармасида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан Р. Мусаев 1977 йилдан бери навбатда турибди. Янги Тошкент медицина институти томонида қурилаётган автоматик телефон станцияси ишга тушгач навбати билан унинг уйига телефон ўтказиб берилади.

Навбатдан ташқари телефон ўтказиб бериш учун II группа меҳнат инвалидларига ҳеч қандай имтиёз берилмаган.

• Бугун Алишер Навоий таваллудининг 548 йиллиги куни •

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

ИНСОН РУҲИНИНГ МУСАВВИРИ

НАВОИЙ ғазалиётида инсон руҳининг минг турфа тўлғанишларининг нозик инъикосини кўриш мумкин. Инсон руҳияти иқлимидаги барча ботиний кечинмаларни ипидан иғнасигача илғаб олиш, тирик инсон ҳаётидаги ташвиш ва қувонч, умидворлик ва тушкунлик, муҳаббат ва нафрат, инкор ва ифтихор, алам, изтироб, ўкинч, армон, илтижо, муножот онларини ҳассослик билан сезиш қобилияти Навоийга руҳият қомуси янглиғ ғазал хазинаси яратиш бахтини ато этган. Инсон табиатига хос бу туйғуларнинг жами ғазал лирик қаҳрамони ҳасби ҳоли орқали бизнинг қалбимизга йўл топади. Лирик қаҳрамон кечинмаларининг кўпчилиги бевосита шоирнинг ўз қалбидан кечганки, демак, биз ғазал орқали ҳазрат Навоий руҳий ҳаёти лаҳзалари ва ларзалари билан ҳам ошно бўламиз.

Шоирнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган бир ғазали ёридан ҳижрон чеккан ошиқнинг севгилисидан мактуб олишига бағишланган. Бу ногаҳоний воқеа шодиёнаси лирик қаҳрамон юрагини ларзага солади. Айрилиқ дарди билан висол қувончи қоришиб кетади. Ғазалда мактуб олган ошиқнинг кўтаринки кайфияти эмас, вазмин, ҳазин қувонч кечикмалари акс эта бошлайди.

Жонда қўйдим чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактубдур, ёхуд алифдур жон аро.

Бу — табиий ҳол. Чунки ҳижрон изтиробини бирдан унутиб юбориш қийин. Ундан сўнг мактуб ҳали дилдаги муроднинг ушалгани эмас, у — висол элчиси, холос. Ҳижронзада ошиқ мактубни бағрига босади, гўё жони шу билан ором топадигандай. Иккинчи мисрада жоннинг бутунлиги ва омонлиги учун висол муждаси нечоғли зарурлигини асослаш мақсадида жон ва мактуб ўртасидаги шаклий таносибни ҳам инкишоф этади. Мактубнинг чирмалган шаклини «жон» сўзи ўртасидаги «алиф» ҳарфига қиёслайди.

Ошиқ мактубни «ҳирз ул амон» — дарду балони қайтарувчи, жонни ғамдан фориғ этувчи дуо сифатида қабул қилади, муқаддас тумордек унга сиғинади:

Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзул амон
Ким, ғамим айш этти, еткач кулбан аҳзон аро.

Мактуб лирик қаҳрамон руҳини янгилайди, дардларини енгиллатади. Лекин бу дардлар унинг вужуди ва руҳида унутилмас излар қолдирган. Шу боисдан мактубни васф этиш муносабати билан лирик қаҳрамон дарди ёзилади, ғамга тўлиб турган кўнгли бўшатилади, жисми жонидан кечиб ўтган оғриқлар шарҳланади:

Риштан олийки чирмаб эрди, очиб асрадим,
Хунфишон кўз рагларидек дийдан гирён аро.

Мактубнинг ўраб юборилган алифмонанд шаклидан шоир бадиий восита сифатида фойдаланганини биринчи байтда кўрган эдик. Одатда мактуб ўрами очилиб кетмаслиги, ихчам ҳолда туриши учун у ип билан чирмаб бойланган. Шоир энди мактубга чирмалган риштани ҳам поэтик материал сифатида ишлатмоқда. Унинг бадиий хизмати икки мақсадга сафарбар қилинади. Биринчидан, уни «риштан олий» деб баҳолаш, алоҳида эътибор бериш, азиз нарсадек кўз бағрида асраш мактуб муаллифига нисбатан юксак эҳтиромни ифодалайди. Иккинчидан, ришта образи лирик қаҳрамоннинг бир ҳолатини ойдинлаштиришга кўмаклашади.

Лирик қаҳрамоннинг бошқа бир ғазалда акс этган ҳижрон тунидаги аҳволини эсланг:

Кўзларингдин неча сув келгай, деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Бу иккала ғазалнинг лирик қаҳрамони битта. Улар да ҳолатлар бошқа, холос. Аммо бу ҳолатлар ўзаро бегона эмас, улар ўртасида узвий боғланиш бор. Йиғлаган кўзларни кузатган бўлсангиз, ришта шаклидаги томирлар яққол кўриниб туради. Алҳосил, ошиқнинг гирён кўзларини тасвирлаш мақсадида шоир: «мактубга чирмалган ипни кўзларим томирларидек асрадим», деб ёзади. Шу тариқа ўзига хос бир ташбиҳ ижод этади.

Навоий учун мактуб риштасининг бадиий вазифаси шу билан тугамайди. Шоир унинг лирик қаҳрамон қиёфасининг яна қайси қиррасини ёритишда қўл келиши ҳақида ўйлайди ва кутилмаганда ажойиб монандлик топади.

Нотавон жисмим кўриндi заъфдин ул риштадек,
Баски тўлғонди икки кўзумдин оққан қон аро.

Шоирнинг муболағали талқинича, ҳижронзада, ситамкаш ошиқнинг жисми шу қадар заифлашиб ингичка тортганки, у икки кўзидан оққан қон дарёлари орасида ришта каби тўлганади.

Қолган уч байт анъанавий услубда давом этади ва ўзига хос интиҳосига эришади. Ғазалнинг оригиналлиги юқоридаги тўрт байтда бўртиб туради. Гарчанд 3—4-байтлардаги муболағали тасвирда шоир матлаъда қўйилган мавзудан шаклан узоқлашгандек туюлса-да, моҳиятда изчиллик сақланган. Мактубга ўралган ип ошиқнинг нотавон жисмига, кўз рагларига ўхшатилиши, мактуб ўрамининг «жон» ўртасидан «алиф»га қиёсланиши — бари бир поэтик фикрни — ёр мактуби ошиқ дардига малҳам бўлганлигини тасдиқлашга қаратилган. Бу асар Навоий ғазалиётида шундай образли изчиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Н. ЖУМАЕВ,
филология фанлари кандидати.

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санго.

Қай пари пайкарга дерсен телба бўлдунг бу сифат,
Эй, пари пайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санго.

Эй кўнгул, таркн насиҳат айладим овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

* * *

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға
Ҳар тарафдин юз туман тийғи жафосин кўрмадим.

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим.

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға,
Ғайр сори хулқу лутфи жонфизосин кўрмадим.

Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим.

Сен вафо ҳусн аҳлидан қилма таваккуъ, эй рафиқ,
Ким, мен ушбу хайлнинг ҳуснн вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида
Ким бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

НАВОИЙ ТУРКМАН ДИЁРИДА

АЛИШЕР Навоий ижодиёти мана беш асрдан ошибдики, шеърият ихлосмандлари дилига эзгулик нурини сочиб келмоқда. Қадим замонлардан бери бир дарёдан сув ичиб, қардош бўлиб яшаётган туркман халқи ҳам Навоийни ўзларининг Маҳтумқули, Камина, Андалиб каби забардаст аҳли қаламлари қаторида эъзозлаб, унинг асарларини севиб ўқишади. Туркман бахшилари Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни жўшиб куйлаганлар. Ўзининг ҳаётбахш шеърияти билан эл орасида катта шуҳрат қозонган Навоийга туркманлар Мирали деб ном берганлар.

Қардошларимизнинг Навоийга бўлган меҳр-муҳаббати асрлар бўйи яратилиб, тилдан-тилга ўтиб, муайян бадиий силсила сифатида шакилланган халқ ривоятларида ҳам яққол кўзга ташланади. Таниқли адабиётшунос Б. Қарриевнинг ёзишича, Навоийни худди ўз классиклари каби севиб ҳурмат қилган туркман халқи у ҳақда юзлаб ривоят, ҳикоят ва латифалар яратганлар. 30-йилларда туркман фольклорининг қадимий мотивлари асосида яратилган бу ривоятларни тўплаб, нашр эттириш ишлари бошланди. Панжи Оғалиев томонидан нашрга тайёрланган «Мирали ва Султонсуюн. Ашхобод, 1940» мажмуаси Навоий ҳақидаги ривоятларни чоп эттириш борасидаги дастлабки қадам бўлди.

Миралига бағишланган ривоятларни ёзиб олиб, оммалаштиришда атоқли туркман ёзувчиси Берди Кербобоевнинг алоҳида ҳиссаси бор. У ўзи тўплаган ўн тўққизта ривоятни бадиий жиҳатдан қайта ишлаб, «Мирали» номи билан 1941 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр қилдирди. Бу ривоятлар ёзувчи асарлари мажмуасининг 1959 йилда чиқарилган 4-томига ва 1982 йилда нашр этилган «Жанбақлар» китобига ҳам киритилган.

«Мирали ва Султонсуюн» туркумидаги ривоятларни тўплашда ёзувчи ва олим Ота Говшудовнинг изланишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. У ўзи йиққан материалларнинг бир қисмини «Совет адабиёти» журналининг 1948 йилги 5-сонида эълон қилдирди.

Навоий ҳақидаги ривоят ва латифаларни ёзиб олиб, тадқиқ этишда Б. Қарриев, М .Кўсаев, Ш. Холмуҳаммедов, О. Боймуродов, А. Асанмуродов ва бошқа олимларнинг хизматлари айниқса, самарали бўлди. 1973 йилда эса К. Боржакованнинг «Туркман халқ оғзаки ижодиётида Алишер Навоий (Мирали) образи» мавзундаги йирик тадқиқоти юзага келди. Улуғ ўзбек шоири ҳақидаги ривоятларнинг деярли барчасини тўплаган олима туркман фольклорида Навоий образининг пайдо бўлиш тарихини, бу ривоятларнинг ўзига хос бадиий оламини чуқур тадқиқ этади. Азалдан сўзга чечан туркман бахшилари халқ орасида кенг тарқалган ривоятлар сюжети асосида Навоийга бағишланган ажойиб достон ҳам яратишган. К. Боржакова томонидан ёзиб олиниб, ўрганилган бу достон гарчи «Султонсуюн», яъни «Султон Ҳусайн Бойқаро» деб аталса-да, аслида ундаги асосий воқеалар Алишер Навоий номи билан алоқадордир.

Афсуски, Мирали ҳақидаги ривоятларнинг мукаммал тўплами ҳалигача нашр этилган эмас. Атоқли сўз заргари тўғрисидаги фольклор асарларини тўплаб, нашр эттириш ўзбек ва туркман олимларининг бебаҳо асарлари билан не-не дилларни асир этган буюк ижодкор хотираси олдидаги шарафли бурчимиздир. Биз Мирали ҳақидаги ривоятлардан айримларини ўзбек тилига ўгириб, сиз, муҳтарам газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Маматқул ЖУРАЕВ,
филология фанлари кандидати.

Қуш тилини билган шоир

КУНЛАРДАН бир куни Мирали билан Султонсуюн баҳаво жойларда мириқиб дам олиб келмоқчи бўлиб шикорга отланишибди. Икки дўст суҳбатга берилиб кетиб анча-мунча шаҳардан узоқлашиб қолганликларини сезмабдилар. Бир пайт улар қаровсиз қолиб хазон бўлган боғлар-у ҳувиллаб ётган вайрона қишлоқ устидан чиқиб қолишибди. Улар эгалари ташлаб кетган хароба кулбалар ёнидан ўта туриб, бойўғлиларнинг сасини эшитиб қолибдилар. Қарашса, икки бойўғли вайрона чолдевор устида ўтириб олиб, бир-бирига қараб галма-галига «қу-қу»лашармиш.

Сўзга чечан Миралини гапда мот қилолмай, доим чўв чиққани учун аламини ичига ютиб юрган подшо қулай фурсат пойлаб турган экан. Шу пайт унинг эски дарди қўзғаб кетибди-да, бойўғлиларнинг овозига бирпас қулоқ тутган киши бўлиб:

— Эй, Мирали! Сиз яқинроқ бориб билиб келинг-чи, бу бойўғлилар нима ҳақда гаплашишяпти экан? Мен яхши англай олмадим, — дебди.

Мирали:

— Бош устига, олампаноҳ! — дебди-да, бойўғлилар қўниб турган чолдевор томонга қараб кетибди. Бойўғлилар ҳар сафар сайраганда девор панасида турган Мирали ҳам худди қушларнинг тилини биладигандай дам-бадам бош иргаб қўйибди. Орадан бироз вақт ўтгач, бойўғлиларнинг икковиям икки томонга учиб кетибди. Мирали ҳам подшонинг ёнига қайтиб келибди.

Султонсуюн:

— Хўш, Мирали, бирор нарсани тушундингизми ўзи? — деб сўрабди.

— Ҳа, шоҳим! Барини эшитиб, хўп мағзини чақиб келаяпман, — дебди ҳозиржавоб Мирали.

— Ундай бўлса, сўзланг тезроқ. Билайлик-чи, бу маҳмадона бойўғлилар нималарни гаплашишди экан.

— Шу десангиз, шоҳим, ўша бойўғлилардан бирининг уйлантирадиган ўғли, иккинчисининг бўй етган қизи бор экан. Ўғил уйлантирадиган бойўғли қиз ўстирган қўшнисиникига келибди. Биз икки қуданинг олди-берди савдоси авжи қизиган пайтда келиб қолган эканмиз.

— Қанақа можаро экан у? — деб сўрабди Султонсуюн ҳам қизиқсиниб.

Мирали сўзини давом эттирибди:

— Қиз томон совчи бўлиб келган бойўғлига: «Агар мен билан қудалашмоқчи бўлсанг, қизимнинг қалинига қирқта вайрона топиб берасан!»— деб туриб олибди. Униси эса: «Ўҳ-ҳу! Сал инсоф қилинг! Шунча харобани қаердан оламан ахир!» — деди. Олди-берди можароси деганим шу-да, шоҳим.

— Ҳа, гап буёқда денг... Ундай бўлса, қушларнинг «қу-қу»лашига қулоқ солиб туриб, сиз ҳам бир-икки марта бош иргагандай бўлдингиз. Бунинг маъноси недур? — деб сўрабди подшо.

— Ана холос, наҳотки шуниям тушунмаган бўлсангиз?! Мен бойўғлиларга: «Жанжаллашиб ўтирмасдан бемалол тўйни бошлайверинглар. Эл оғаси Султонсуюн омон бўлса, вайронадан кўп нарса бўлмас бу юртда». — деб уларни келиштириб қайтдим, — деб жавоб берибди Мирали.

Султонсуюн яна Миралининг ҳозиржавоблигига тан берган экан.

Султон ўладиган кунгача

АЙТИШЛАРИЧА, Мирали ёшлигида чўпонлик қилган экан. Кунлардан бир куни у қўйларини олдига солиб бозорга ҳайдаб келибди. Унинг семиз-семиз қўйларини кўриб бозордаги одамларнинг оғзи очилиб қолибди. Бирпасда харидорлар Миралининг атрофида гирдикапалак бўла бошлашибди. Улар қўйларнинг нархини суриштира кетибдилар:

— Қўйларингнинг баҳоси қанча, йигит?

— Кеп қолинг, арзон-гаровга бераман! Ҳар битта қўйимнинг баҳоси атиги юз танга. Пули йўқлар ҳам ноумид бўлиб кетмасинлар, мен нақдга эмас, насияга ҳам савдо қиламан, — дебди Мирали.

Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлган харидорлар:

— Бу қанақаси бўлди? Насиянгнинг муҳлати қанча бўлади? — деб суриштишибди.

— Албатта, насия муҳлатсиз бўлмайди, — дебди Мирали вазминлик билан, — қўйларимнинг пулини тез тўланг, деб қистамайман. Султон ўладиган кунгача ҳақимни олсам, бас!

Одамлар умрида бунақа аломат чўпонни кўрмаган эканлар. Бироз маслаҳат қилибдилар-да, кейин «Э, бўлганича бўлди, бу ҳам бир аломат савдо бўлди. Пулини тўлаш бўлса, бир гап бўлар. Султон ўлгунча ё Мирали кетар, ё биз», — деб бирпасда қўйларни талаб кетишибди.

Мирали қўйларни одамларга, бепул тарқатиб уйига қайтибди. Бозорда юрган подшо айғоқчилари бу хабарни оқизмай-томизмай Султонсуюнга етказибдилар.

— Ким экан у ярамас?! Дарров тутиб келтиринглар! — деб буюрибди. Подшо ясовуллари Миралининг уйига бориб, оёғини ерга тегизмай саройга олиб келибдилар.

— Бу қанақаси, Мирали? Менинг ўлимимни шарт қилиб қўй сотибсиз? Нима бало, эсингизни едингизми ё жонингиздан тўйганмисиз? Менга ўлим тилагунча ўзингизга умр тиласангиз бўлмасмиди? Ё менинг ғазабимдан қўрқмайсизми? — деб сўрабди Султонсуюн.

Мирали:

— Мен тақсиримнинг ёшлари узун бўлишини тилабман-у, яна нимадан ҳам қўрқайин, — дебди.

— Бўлмаган гапларни қўйинг, — дебди Султонсуюн, — бозорда насияга сотган қўйларингизнинг пулини мен оламдан ўтадиган кунгача оладиган бўлибсиз-ку! Шунинг ўзи менга ўлим тилаганингиз эмасми?

Шунда Мирали кулимсираб:

— Бу гапингиздаям жон бор, султоним. Қўй сотиб олган одамлар кўпчилик, камина қулингиз эса якка-ёлғиздир. Ахир мен бир ўзим сизга ўлим тиласам, бошқалар умр тилашади-ку! Кўпнинг тилаги кўл, деганлар, шоҳим. Энди шунча одам подшоҳимизнинг умрлари узоқ бўлсин, пушти паноҳимиз ўлмасинлар-у, Мирали ҳам қўйларининг пулини қистамасин деб сизни дуо қилишади. Қани, айтинг-чи, яхшилик қилибманми, ё ёмонликми?— дебди.

Гап нимадалигини англаб етган Султонсуюн хо-холаб кулиб юборган экан.

«Ўлди» сўзини ким айтди?

НАҚЛ қилишларича, Султонсуюннинг Гул исмли соҳибжамол хотини бўлган экан. Подшо Гулни жонидан ортиқ яхши кўрар экан. Кунлардан бир куни Гулнинг тоби қочиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Мана-ман деган табиблар ҳам унинг дардига даво тополмабдилар. Маликанинг аҳволи кун сайин оғирлашаверибди. Подшо маъшуқасининг дардида девона бўлиб, «Гулнинг ўлимини кўрмайин ҳам, куймайин ҳам», — деб шаҳардан бош олиб кетишга жазм қилибди. «Кимда-ким менга Гулнинг ўлди деган хабарини биринчи бўлиб айтса, ё билиб туриб мени кўрганда айтмаса, ўша одамнинг боши ўлимда, моли талонда. Мен фалон кундан сўнг қайтаман», деб шаҳардан чиқиб кетибди...

Ҳаш-паш дегунча подшонинг қайтар фурсати ҳам етиб келибди. Эл орасида «Шоҳаншоҳ сафардан қайтаётган эмиш!» деган гап-сўзлар тарқалибди. Устига-устак худди подшо келадиган куни Гул ҳам омонатни топширибди. Вазиру вузаролар бу нохуш хабарни қандай қилиб подшога етказишнинг иложини тополмай тоза қийналибдилар. Шоҳга рўпара бўлишга ҳеч кимнинг юраги бетламас экан, ахир унга дуч келгач, Гул ўлди деб айтсанг ҳам, айтмасанг ҳам бошинг кетади-да! Бошлари қотган вазирлар ахири Миралининг олдига бориб:

— Ўзингиз бирор чора топмасангиз бўлмайди, иш чатоқ, мавлоно! — деб ялинибдилар.

Мирали:

— Майли, бир уриниб кўрайин-чи, — деб подшонинг олдига пешвоз чиқибди. У сир бой бермай, подшо билан соғлик-омонлик сўрашибди. Сўнгра Мирали ҳамиша одати бўйича сўз ўйини бошлаган киши бўлиб:

— Сарви гулнинг соясинда сўлса гул нетмоқ керак? — деб подшога юзланибди. Ҳеч гапдан хабари йўқ Султонсуюн ҳам:

— Сарвидан тобут ясаб, гулдан кафан қилмоқ керак! — деб жавоб берибди.

Кейин бирдан гап нималигини фаҳмлаган подшо бу мисралар Гулга тааллуқлилигини билиб тутоқиб кетибди:

— Бунақа жумбоқ айтишгунча «Гул ўлди» десангиз бўлмайдими, Мирали! —деб бақирибди у дарғазаб бўлиб. Султонсуюн жаҳл билан отига мина бошлабди. У энди эгар устига ўтирмоқчи бўлган экан, Мирали:

— «Ўлди» сўзини ўзингиз айтдингиз-ку, султоним! — дебди пинагини бузмай.

Бу гапни эшитган Султонсуюн нима дейишини билолмай эгарга ўтириб қолган экан.

Чет эл ҳабарлари

СЎНГГИ СОАТДА

✦ **ВАШИНГТОН.** Президент Жорж Буш Марказий Америкадаги вазиятни бартараф этиш йўлларини излашда Совет Иттифоқи билан «ҳамкорлик қилиш имкониятини кўраяпман», деди. АҚШ маъмуриятининг бошлиғи матбуот конференциясида ўз маслаҳатчилари Американинг омонат-кредит муассасалари билан вазиятни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиққан таклифларини эълон қилди ва саволларга жавоб қайтара туриб, ҳозирги вақтда СССР билан АҚШ «ҳамкорликнинг янги руҳини намойиш эта оладиган кўп соҳалар мавжудлигини» Марказий Америка эса «мана шу соҳалар жумласига мутлақо аниқ киритилиши мумкинлигини» қайд этиб ўтди. Айни вақтда Жорж Буш мен АҚШнинг Никарагуа контрасларини қўллаб-қувватлаш тўхтатилишини кўзда тутувчи «битимларни тузмаган бўлур эдим», деб таъкидлади.

✦ **ГАВАНА.** Чили полицияси душанба куни бўлиб ўтган оммавий намойишни тарқатиб юбориш чоғида сув пуркайдиган қуролларни ва кўзни ёшлантирадиган гранаталарни ишга солди. Намойиш қатнашчилари мамлакат олий судининг қарорн қайта кўриб чиқилишини талаб қилдилар. Ана шу қарорга биноан чилиликларнинг гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган черков ташкилотларидан бири ўз активларининг фаолияти тўғрисида маъмурларга маълумотлар бериб туриши шарт эди. Сантъягодан олинган хабарларга қараганда, намойиш қатнашчиларидан камида ўттиз киши қамоққа олинган.

Халқаро ҳаёт

УЧИНЧИ ДУНЁ ТАШВИШЛАРИ

Ўртоқ М. С. Горбачев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида сўзлаган нутқида энг муҳим умумжаҳон муаммолари қаторида ривожланаётган мамлакатлар муаммосини ҳам тилга олиб ўтди. Бугунги кунда учинчи дунё мамлакатларида истиқомат қилаётган неча ўнлаб миллион кишиларнинг яшаш шароити ниҳоятда аянчли ҳолга тушиб қолаётганлиги прогрессив инсониятни чуқур ташвишга солмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзи бир триллион доллардан ошиб кетди. Бу қарз асримиз охирига бориб 3 триллион долларга етиши мумкин. Маълумки, 70-йилларнинг бошларида нефть баҳоси кескин кўтарилиб кетгач, беҳисоб доллар оқимидан улкан бозор вужудга келди. Ғарб мамлакатлари банклари тушган даромаддан ривожланаётган мамлакатларга пастроқ даражадаги кредит ставкаларини тавсия эта бошладилар. Учинчи дунё мамлакатлари ўз социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида тақдим этилаётган бу кредитларни жон деб қабул қилдилар.

Бироқ, 70-йилларнинг охирига келиб вазият ўзгарди. Капиталистик дунёнинг етакчи мамлакатларида меҳнат, энергия ва хом ашё сарфиётини тежайдиган замонавий технология жорий этилиши билан нефтга бўлган эҳтиёж кескин камайди, нефтнинг баҳоси тушиб кетди. Бунинг устига кредитларнинг ставка процентлари, шу жумладан эски қарзларга тўлов ставкаси проценти анча ошди. Шу тариқа ривожланаётган мамлакатларнинг аҳволи янада оғирлашди.

1975—1983 йилларда қарзларнинг ўртача ўсиш суръати 7 процентни, Бразилия, Мексика каби давлатларда эса 15—20 процентни ташкил этди. 70-йиллар бошида вужудга келган кредит-молиявий алоқалар механизми дастлаб молиянинг ривожланаётган мамлакатлар томон оқимини таъминлаган бўлса, 80-йилларда ёш давлатлар ресурсларини суғуриб олишга хизмат қила бошлади. Бунинг оқибатида уларда эндигина бошланаётган индустрлаштириш жараёни тўхтади, иқтисодий ўсиш пасайди, аҳолининг қашшоқлиги кучайди. Қуролланиш пойгаси, милитаризм сиёсати ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини ниҳоятда оғирлаштириб юборди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда ривожланаётган мамлакатларнинг қуролли кучларида 11 миллиондан ортиқ ҳарбий хизматчи бор. Бу жаҳондаги барча ҳарбий хизматчиларнинг ярмига яқинини ташкил этади. Уларни сақлаш ва боқиш 100—200 миллиард долларга тушмоқда. Учинчи дунё мамлакатлари қуролланиш учун ўз ички маҳсулотининг ўртача 5,5 процентини сарфламоқда. Сарфиётлар ёш давлатларнинг иқтисодий аҳволи тобора оғирлашиб бораётган ҳозирги пайтда яна ҳам кўпаймоқда. Яқин Шарқ мамлакатларида қуролланиш учун кетган сарф-харажатлар 1981—1985 йилларда 253 миллиард долларни ташкил этди. Оқибатда 80-йилларнинг ўрталарида ривожланаётган мамлакатларнинг қарзлари яна кўпайиб кетди. Тропик Африкадаги 13 та давлатнинг бутун миллий даромади ҳам ташқи қарзни узишга етмай қолди. Мавританиянинг қарзи ялпи миллий даромадга нисбатан 230, Замбияникн 210, Гвинея-Биссауники эса 190 процентни ташкил этди.

Ташқи қарзлар ўз вақтида тўланмагач, болалайверади. Фақат Лотин Америкаси мамлакатларида тўловлар проценти ўн йил ичида 30 марта ошиб, 770 миллион доллардан қариб 22,2 миллиард долларга етиб қолди. 80-йилларнинг бошларига келиб учинчи дунё мамлакатлари на фақат қарзни, балки заёмлар бўйича процентларни ҳам тўлашга қурбилари етмай қолди.

Совет Иттифоқи учинчи дунё мамлакатларида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга одилона ёндашмоқда. Ҳар қандай камситувчи элементлардан ҳоли бўлган янги иқтисодий алоқалар тартиби ўрнатишни таклиф қилмоқдамиз. Колония давридан беҳисоб йўқотишлар эвазига озодлик ва мустақиллик йўлига кираётган ёш давлатларга ҳар томонлама мадад бермоқ зарур.

Н. СОБИРОВ.

● Болгария телеграф агентлиги юборган бу суратда сиз турли хил тақинчоқларни кўриб турибсиз. Улар кишига гўзаллик бахш этиш билан бирга қон босимини туширишга ҳам қўмаклашади. Ҳозирги пайтда беморлар дардига шифо бўлувчи махсус кийимлар, камарлар, пешонабоғлар ишлаб чиқариш устида ўйлаб кўрилмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

ФАЛОКАТ СОДИР БЎЛДИ

✦ **ПАРИЖ.** Душанба куни кечқурун Франциянинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри Марсель яқинида «Энтер карго сервис» авиакомпаниясига қарашли бўлган ва Марсель билан Касабланка ўртасида мунтазам рейсни бажараётган «Вангар» типидаги юк самолёти фалокатга учраб, парчаланиб кетди. Машина Мариньян аэропортидан парвоз қилиб бир неча ўн метр баландликка кўтарилгач, тўсатдан пастлаб кета бошлади ва ерга қулаб тушди. Франциянинг Франс пресс ахборот агентлиги хабар қилишича, лайнер экипажининг уч аъзоси ҳалок бўлган. Фалокат тафсилотлари ва сабабларини аниқлашга киришилди.

ЛОНДОНДА ОДАТДАН ТАШҚАРИ ИССИҚ

✦ **ЛОНДОН.** Кечаги кун Буюк Британия пойтахти аҳолиси учун одатдан ташқари иссиқ бўлди: симоб устуни Цельсий бўйича 15 даражагача кўтарилди. Шаҳар марказида сира ҳам қишдагидек бўлмаган қуёш нурларида тобланаётган кишиларни кўриш мумкин эди, қишда кўпи ёпиб қўйиладиган очиқ бассейнларда чўмилишни истовчилар ҳам топилади. Метеорологларнинг маълумотларига кўра, ўтган душанба февраль ойидаги энг иссиқ кун бўлмади, чунки 1961 йилнинг февралида мамлакатнинг баъзи районларида ҳарорат 18 даражадан ошиб кетган эди.

(ТАСС).

• Сиз ёқтириган телекўрсатувлар •

«ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР»

Шу куни В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг маданият саройи жуда гавжум бўлди. Кўлида таклифномаси йўқ ёшлар ҳам залга кириш умидида эшик олдида узоқ туриб қолишди. Зал томошабинлар билан лиқ тўла. Турли нуқталарга ўрнатилган телевизион камераларнинг объективлари бир нуқтага қаратилган. Уларнинг мониторида — Соат Шарипов...

Ҳа, бу ерда «Қувноқлар ва зукколар» телевизион конкурсининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тошкент ҳамда Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиқ институтларининг «Агроном» ва «Меҳнат» командалари орасидаги ижодий тортишув жуда кескин, мароқли ўтди. Командалар «Бизнинг анкета», «Муаммо, муаммо, муаммо...», «Бизнинг тўгарак» шартлари бўйича ўзлари тайёрлаб келган саҳналарни намойиш этиш билан бирга, шу ернинг ўзида уларга тақдим этилган «Сирли шарт» — тайёр шеърий текстга мавжуд мусиқавий усуллар кўмагида куй басталаш шартини ҳам муваффақиятли адо этишди.

Капитанлар тортишуви ҳам мазкур конкурс қатнашчиларининг ҳақиқатда қувноқ ва зукко ёшлар эканлигини яна бир бор исботлади. Умуман, бугунги куннинг долзарб муаммоларини, ҳаммани ҳаяжонлантираётган масалаларни мазкур конкурс доирасида томошабинларга енгил юмор ва ёшларга хос жўшқин маҳорат билан етказиб бера олган иккала томон ҳам шу куни маданият саройида йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

«Қувноқлар ва зукколар» конкурсининг телевиденеда суратга олинган ушбу нимчорак финал мусобақаси яқин кунларда телеэкранлар орқали намойиш қилинади.

У. ҲИКМАТОВ.

Суратларда: «Қувноқлар ва зукколар» телевизион конкурсининг навбатдаги мусобақаси.

М. Назаров фотолари.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Тўпловчилар — тиниб-тинчимас кишилар бўлади-да. Улар нималарни тўплашмайди, дейсиз. Қуйида шундай кишилар ҳаётидан келтирилган мисоллар билан танишасиз:

ЭСКИ ГАЗЕТАЛАР

✦ АМЕРИКАЛИК Э. Кетхемнинг тўплаган коллекциясида юз минг нусхадан ортиқ турли газеталар бор. Коннектикут штатидаги кичик бир шаҳарда яшовчи бу ишқивоз йиққан газеталарнинг кўпчилиги эски, кўп йиллар илгари нашр этилган. Албатта, турли мамлакатларда чиққан. 1665 йилнинг 12 февралида чиққан «Лондон вестниги» Кетхем коллекциясининг энг ноёби ҳисобланади.

ГУЛ ҚОҒОЗ

✦ КЎПЧИЛИГИМИЗНИНГ австралиялик А. Стептонга ҳавасимиз келиши мумкин. Биз ўзимизга маъқул бўладиган расмли гул қоғозни магазинлардан жуда кўп қидирамиз. Унинг коллекциясида эса 34 мингта намунаси бор. Бу ноёб тўпламга қизиққан репортерга Стептон шуни очиқ тан олдики, ўз тўпламаларини кўпайтириш учун ҳатто меҳмонда ва таниишлари уйидаги гул қоғозларнинг бир парчасини йиртиб олишдан ҳам тоймаган.

САРТАРОШЛИК АНЖОМИ

✦ ГДРДАГИ ПРЕНЦЛАУ шаҳрида яшовчи сартарош И. Майвальд ўз коллекциясини 25 йилдан бери йиғади. Унда уч мингтадан ортиқ экспонат бор. Улар орасида соқол олиш учун антик идиш, ўрта асрларга оид париклар ва сартарошлик анжомлари, кумуш ва шохдан, фил суяги ва кораллардан ясалган тароқлар бор.

ҲАҚОРАТЛАШ

✦ ГЕРМАНИЯ Федератив Республикасида яшовчи Г. Бауэрининг ғайритабиий қизиқиши бор. У ўз «коллекцияси»ни ҳеч кимга кўрсатмайди, бироқ унда 72 мамлакатдан 31 тилда айтилган сўкинишлар ва энг кучли ҳақоратлар бор, деб айтади. Бу унга нима учун керак бўлиб қолибди? Балки саёҳатга чиққанда ўзини «ҳимоясиз» ҳис қилмаслиги учундир. Чунки, у пенсияга чиққач, умрининг қолган қисмини жаҳонгашталикка сарф этмоқчи-да

«ОНАЖОНИМ»

Солдатское шаҳрининг маданият уйида ўтказилган шеърият кечаси шундай номланди. Шоир Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган мазкур кечада Тошкент маданий-оқартув техникуми студентлари М. Назирова, Г. Худойқулова, маданият уйи методистлари З. Бозорова ҳамда М. Анорбоевалар шоирнинг оналарни мадҳ этувчи шеърларидан ўқидилар, қўшиқлар куйладилар.

КЎЧМА КОНЦЕРТЛАР

Район маданият уйининг «Ёшлик» ҳамда «Жулдуз» бадиий ҳаваскорлик ансамблари хўжаликлар ҳузурига тез-тез ташриф буюриб, ўз концерт номерларини намойиш этишмоқда. Қамбар Зоиров ҳамда Умар Тансиқов раҳбарлигидаги бу ансамблар яқинда «Ленинград» колхози меҳнаткашларини ўз санъатлари билан хушнуд этдилар. Энди улар Волков номли колхозда бўладилар.

Ҳ. ЗОКИРОВА,
Ғалаба райони.

Чангалдаги бир тутам соч

● НОЁБ КАСБ ЭГАЛАРИ ●

ИЧКИ ишлар органларида шундай хизмат соҳаси ҳам борки, биз улар ҳақида кам гапирамиз, деярли ёзмаймиз. Бу соҳа кишилари ҳам жиноятчиликка қарши орган ходимлари билан баббаравар курашадилар, зарур пайтларда вақт билан ҳисоблашмай ишлайдилар.

Область ички ишлар бошқармасининг эксперт-криминалистика бўлимида кимёгарлар, биологлар, физиклар ишлашади. Уларнинг иш қуроли — ҳар хил илмий-техник воситалар, турли эритмалар, мослама қоплиплар, мураккаб аппаратлар. Булар жиноятнинг қандай вазиятда ва ким содир қилганлигини асосан бехато аниқлаб беради.

Албатта, бу воситалар ўзларича ҳеч нарсани ҳал қилиб беролмайди, уларни юқорида айтилган мутахассислар тилга киритадилар. Экспертиза-криминалистика бўлимида ўз касбини пухта эгаллаган мутахассислар кўп. Чунончи, З. Ҳайдарова график экспертиза устаси, Е. Пугачев дактилоскопия (бармоқ изларига қараб аниқлаш) усули бўйича энг тажрибали мутахассисларнинг бири. Шогирдлари А. Хўжаев, В. Ильин, А. Зубкинлар ҳам устозларидан ўрганганларини ишга солиб, кўп жиноятларни очиш, жиноятчиларни топишда самарали ёрдам беришяпти.

Ўтган йили Ангренда шундай жумбоқли жиноят содир бўлди. Кўпқаватли уйлардан бирининг ертўласидан номаълум кишининг жасади топилди. Жиноятни очишдан аввал марҳумнинг ўзи ким эканлигини аниқлаш муаммоси турарди. Маҳаллий орган ходимлари мутахассисни областдан чақиришга мажбур бўлдилар. Е. Пугачев зудлик билан етиб келди. Унинг диққатини ўзига тортган биринчи нарса марҳумнинг қотиб қолган панжаларидаги бир тутам малларанг соч ва бир неча тола жунли ип бўлди. Демак, марҳум ким биландир обдан олишган. Бундан ташқари марҳумнинг кўкрагида сув париси ва билагида атиргулнинг билинар-билинмас шакли туширилган экан. Евгений Зиновьевичнинг тажрибали кўзлари бу белгиларни илғай олди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўчмайдиган бўёқ билан ўйиб ишланган бу шакллар тикланди, энди уни суратга олса ҳам бўларди. Кейин бу сурат марҳумнинг шахсини аниқлашда ёрдам берди. Уни уй-жойи йўқ, дуч келган ерда тунаб юрадиган бир тўда дайдиларга кўрсатишганида, кўкраги ва билагида шундай шакл бор бўлган бир шериклари анча кундан бери кўринмай қолганлигини айтишди. Сўнгра марҳумнинг чангалидаги бир тутам соч ва жунли тола воситасида қотил ҳам топилди.

Нариманов шаҳридаги омонат кассалардан биридаги пулни ўмариб кетган ўғриларни топишда ҳам Евгений Зиновьевичнинг «ҳунари» асқотди. Ўғирлик содир бўлган жойга етиб борган оператив группа аъзолари касса яқинидан мажақланган темир яшчикнинг қопқогини топиб олишди. Синчков Е. Пугачев учун шунинг ўзи кифоя эди. У қопқоқдаги билинар-билинмас бармоқ изларини кўрди. Бу изларни олинган кўчирмаларни картотекадаги мингдан зиёд нусхалар билан солиштира бошлади. Ниҳоят керакли топилди ва илгари ҳам судланган жиноятчининг изига тушилиб, пуллар жойига қайтарилди.

Келтирилган мана шу лавҳаларга қараб баҳолайдиган бўлсак, экспертларнинг иши у қадар оғир эмасга ўхшайди. Йўқ, бу алдамчи тасаввурот. Тўғри хулосага келгунларича улар беҳисоб гумон ва тахминларни бир-бирига чоғиштирадилар, ашёвий далилларни «сўзлаш»га мажбур қиладилар. Уларнинг машаққатли меҳнатларисиз жиноятларни очиш амри маҳол.

Ш. АҲМЕДОВ,
Область ички ишлар бошқармаси ходими.

«Флора»га кириб туринг, шифо топасиз

Тошкент шаҳрида «Ганга» магазини рўпарасидаги янги дорихона биқинида «Флора» деб номланган фитобар очилганлигидан хабарингиз бор. Бу фитобар йил аввал ҳам табобат (медицина) Шарқда — Миср, Ҳиндистон, Марказий Осиё мамлакатларида кенг ривожланган. Ўша даврларда халқимиз юзлаб касалликларни аниқлаганликлари ва даволаганликлари ҳақида турли маълумотлар сақланиб қолган ҳамда бизгача етиб келган.

IX—X асрларга келиб табобат оламида бир қанча буюк олимлар етишиб чиқди ва уларнинг ёзган асарлари медицина фанига асос солди. Булардан халқимиз учун кўпроқ таниш бўлган олимлар ройлик Абу Бакр Розий ва бухоролик Абу Али ибн Синолардир. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, медицина фани янада ривожланди.

Шу билан бирга Маҳмуд Ҳасанийнинг форс тилидан таржима қилган «Ҳакимлар ҳикояти» китобида XIV, XV, XVI, XVIII асрларда яшаб ижод қилган моҳир табиблар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг асарларидан парчалар берилган. Жумладан: Шаҳоиддин ибн Абдукаримнинг «Шифо ал-мараз» (Касалликлар давоси), Юсуф ибн Муҳаммад (Юсуфий)нинг («Касалликлар давоси», Ҳаким Давоийнинг «Инсонларга фойдалар» ва Саййид Муҳаммад Ҳасратнинг «Ҳусайн туҳфаси» рубоийлар тўпламида инсонларни шифобахш ўсимликлар, гиёҳлар, сабзавотлар, парҳез овқатлар ва дори-дармонларнинг қайси дардга даво эканлиги аниқ кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, ота-боболаримиз тажрибаси ҳозирги кунда ҳам қўл келмоқда...

Жумладан, «Флора» фитобарида ҳам ҳар хил ўсимликлардан, гиёҳлар, дориворлардан, ўсимлик томирларидан инсонларга керакли дори-дармонлар тайёрлашмоқда. Бундай дори-дармонлар билан астма, жигар, буйрак, ошқозон, юрак касалликларини, йўтални, қон босим кўтарилиши ва пасайиши, милк оғриғи, қанд касаллиги ва томоқ оғриғини даволамоқдалар. Бундан ташқари, ҳаддан зиёд ориқ одамларни семиртириб, семириб кетганларни эса оздиришга интилмоқдалар.

Астма касалига мубтало бўлган 79 ёшли Громова Анастасия Дмитриевна бир ярим ойдан бери шу ерда тайёрланган доридан ичар экан. Эндиликда унинг астма касаллиги анчагина тузалиб, ҳатто йўталмайдиган ҳам бўлиб қолибди...

— Мана бир ҳафтадирки, менинг йўталим тўхтади, — дейди Тошкент шаҳар 65-мактабнинг ўқитувчиси Зуҳра Сулаймонхўжаева.

— Менинг эса ўн кун ичида жигарим оғримай қўйди, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Феруза Маҳкамова.

— Яна қўшимча ниятим, самоварларда гиёҳларнинг ҳар хил турлари қайнаб турса, кирган заҳотинг худди чойга ўхшаб чиройлик чойнакларга дамлаб беришса-ю, пахта гулли пиёлага қуйиб олиб иссиққина шопириб-шопириб, маза қилиб ичаверсанг, — дейди ғазалкентлик халқ университетининг ректори Жигалов Валерий Викторович.

— Қўлларинг дард кўрмасин, қизларим, питобарингга қатнаганимдан бери касалим анча енгиллашди, — дейди ҳурсанд бўлиб Улуғ Ватан уруши қатнашчиси С. Собиржонов.

Фитобарнинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарида коллектив адресига битилган кўплаб илиқ сўзларни учратасиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда ишлайдиганлар раҳматга лойиқ инсонлардир. Шундоқ барнинг эшигидан киришингизданоқ улар чехрасидан табассум ёғилиб тўганини кўрасиз. Булар: Мирзаева Муҳаббат, Умарова Ойдин, Шомирзаева Севар, Караева Ольга ва Инганбоева Дилбарлардир. Уларнинг қўли қуксида, таъзим билан, — «Келинглар, фитобаримизга марҳамат», деб туришади.

Ҳа, дўстлар, «Флора» фитобарига марҳамат!

Шерқўзи ҒОЗИЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

СУРАТЛАРДА: Севар Шомирзаева ва Муҳаббат Мирзаевалар мижозларга хизмат қилишмоқда; Владимир Стройнов фрунзелик меҳмони Любовь Соколова ва унинг қизини фитобарда кислород кўпиги билан меҳмон қилмоқда.

Автор фотолари.

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни —бугун 9 февраль соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси юрист Абдужалил Ҳасанов қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кўчаси 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

АХБОРОТ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармаси ҳайъатининг мажлиси бўлди. Унда бошқарма бошлиғи муфти Шамсуддинхон ибн Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг истеъфога чиқиш ҳақида илтимос қилинган аризаси кўриб чиқилди. Ҳайъат муфтининг илтимосини қондирди. Диния бошқармаси раисининг ўринбосари Шайх Юсуфхон Шокировнинг маълум қилишича, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармасининг янги бошлиғини ўз съездларида сайлайдилар. Съезд тахминан шу йилнинг баҳорида ўтади. Унга қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармаси раиси вазифасини вақтинча бажариб туриш Тошкент Ислом институтининг ректори Муҳаммадсодиқ Мамаюсупов зиммасига юкланди.

ПАРКЕНТ РАЙОНИДА

Аҳолига қулайлик

Район аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида янги йилдан эътиборан Паркент шаҳрида транспорт экспедицияси агентлиги ишлай бошлади. Айни пайтда агентлик буюртмачиларнинг талабини бажармоқда.

Ёрдам фондига

Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Паркент гуллари» ашула ва рақс ансамбли аъзолари яқинда Заркент қишлоғи аҳолисига концерт программаси намойиш этишди. Концертдан тушган 110 сўм пул Арманистонда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун ёрдам фондига ўтказилди.

Оворагарчилик барҳам топди

Паркент районида алоҳида ўқув комбинати ёки курснинг йўқлиги туфайли шу пайтгача шофёрлар қўшни Коммунистик райони ва бошқа шаҳарлардаги автомобиль мактабларида тайёрланарди. Эндиликда бу оворагарчилик барҳам топди. Район маркази Паркент шаҳрида ДОСААФ спорт-техника клуби ташкил этилди. Клуб 8 та юк ва 3 та енгил автомашина билан таъминланди. Йил охиригача клубда радио, мотоцикл тўгаракларини очиш планлаштириляпти.

Т. ДЎСМАТОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

10 февраль соат 19.30 да,

11, 12 февраль соат 16 ва 19.30 да

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД»

ВОҚАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

концерти

(Янги программа)

Ансамблнинг бадиий раҳбари — БАҲРОМ АБДУЛЛАЕВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Жаҳонда ягона бўлган

«ДЕНГИЗ ҲАЙВОНЛАРИ» АТТРАКЦИОНИНИНГ

(денгиз шерлари, сивучлар) гастроллари

Ҳайвон ўргатувчилар — Татьяна ва Василий ТИМЧЕНКОЛАР.

«Цирк айиқлари» томошаси. Ҳайвон ўргатувчилар— Людмила ва Александр ГРЮКОВлар.

УССРда хизмат кўрсатган артист Виктор МАКСИМОВ раҳбарлигида «ЧЕРЕМОШ» акробатик ансамблининг чиқишлари.

Машҳур пародиячи-комик Валерий КОЛОБОВ.

Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

Билетлар олдиндан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба куни — соат 16, 19.00 да; якшанба куни — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса дам олиш кунларисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, фрезерчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори касблари бўйича

1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртига 10-синфни битирган кишилар, шунингдек Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган ҳамда Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ёшлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см. ҳажмида).

Адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 106, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ДИҚҚАТ!

Тажриба-саноат ярмаркаси!

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР

Ўзбекистон ССР Госснабининг

РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ ЁРДАМИДА

фойдаланилмаган жиҳозлар, материалларни, комплектланадиган буюмлар, тайёр маҳсулот ва иккиламчи хом ашёни, ишлаб чиқариш чиқитларини сотиб олишлари ёки сотишлари, шериклари билан бевосита алоқалар ўрнатишлари мумкин.

15—17 МАРТ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 2-павильонида (Энгельс кўчаси, 107-уй) ишчан, тадбиркор кишиларни кутамиз.

Справкалар учун телефонлар: 41-11-20, 41-32-71, 41-16-60.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: ахлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвар лиқ — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 11566. Б. 1540. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12